

## Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди



18:27 / 29.01.2018 4708

95. Абу Саъиддан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди», дедилар».**

*Шарҳ:* Бу ҳадис юқорида ҳам шарҳлаб ўтилди. Албатта, ушбу ҳадиси шарифнинг бу бобда келтирилишидан мақсад, болага раҳм қилишни таъкидлаш учундир. Демак, боласига раҳм қилмаган ота-онага Аллоҳ таоло ҳам раҳм қилмайди.

96. Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларга раҳм қилмайдиган кишига Аллоҳ раҳм қилмайди», дедилар».**

*Шарҳ:* Ким одамларга раҳм қилмаса, Аллоҳ таоло ҳам унга раҳм қилмайди. Бу гап ота-оналарга ҳам, болаларга ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун мусулмонлар доимо бир-бирларига, хусусан, оила аъзоларига ниҳоятда раҳмдил бўлишлари керак.

Мусулмон ота-она ва болалар бир-бирларига раҳм-шафқат кўрсатиш орқали Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўладилар. Агар иш тескарисига айланиб қолса, Аллоҳ таолонинг раҳматидан айрилиб қоладилар.

*97. Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким одамларга раҳм қилмаса, Аллоҳ унга раҳм қилмайди», дедилар».**

*Шарҳ:* Бу ҳадиси шариф аввалги ҳадисни бироз бошқача шаклда такрорлаб, таъкидлаб келган.

*98. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Бир нечта аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. Улардан бири у зотга:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Сизлар ёш болаларни ўпасизларми? Аллоҳга қасамки, биз уларни ўпмаймиз», деди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ азза ва жалла қалбингдан раҳматни суғуриб олган бўлса, мен нима ҳам қила олардим» дедилар».**

*Шарҳ:* Бу ҳадиснинг маъноси ҳам аввалгиларини таъкидлаб келган.

*99. Абу Усмондан ривоят қилинади:*

**«Умар розияллоҳу анҳу бир одамни лавозимга тайинлади. У:**

**«Менинг фалонча болам бор, улардан биттасини ҳам ўпмаганман», деди. Шунда Умар:**

**«Аллоҳ азза ва жалла бандаларидан фақатгина яхшилик қилган одамга раҳм қилади», деди».**

*Шарҳ:* Яъни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ўзлари мансаб берган одамдан шу камчиликни топган эканлар. Мазкур одамнинг ўз боласини ўпмагани шахсий камчилик сифатида баҳоланган экан. Мўмин-мусулмон ота-оналар мазкур камчиликдан йироқда бўлишлари матлубдир.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Одоблар ҳазинаси китобидан)*